


КПСС XX СЪЕЗДИ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИ



Ленинград. Металл заводининг гидротурбинчилари корхона кўча Қизил байроғини бир неча ойдан бери ўз қўлларига сақлаб келмоқдалар. Ҳозир ҳақда Сталинград ГЭСи 8-гидротурбинининг йирик узелларини ишлаш тугалламоқда. Суратда: токар А. Н. Мосеев Сталинград ГЭСи 8-гидротурбинаси ишчи гидротурбининг тулкисини созламоқда.

А. Михайлов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми СССР халқ хўжалигини 1959-1965 йилларда ривожлантиришнинг контроль рақамларини кўриб чиқиш учун партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини 1959 йил 27 январда қабириш ҳақида қарор қабул қилди.

Мамлакатимизнинг социалистик экономикаси йилдан-йилга гўрираб ривожланимоқда. Мамлакатимиз эконоимиксининг шу вақтгача бўлган тараққиёти коммунистик қурилишнинг янги улғувор вазифаларини ҳал қилишга ўтишни тайёрлаб бери. Совет халқининг КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун кураш таърибаси бунга яқин қўрсатиб турибди. XX съездан кейин ўтган йили ярим йил мобайнида халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида жуда катта ва кўп улғувор вазифаларини амалга оширди.

КПСС XX съезди қарорларидан руҳланган областимизнинг меҳнатнашлари ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта ишлар қилдилар. Биз кўйида социалистик Ватанимизда ва шу жумладан областимизда XX съездан кейинги йилларда кўлга киритилган оламшумул-тарихий ғалабаларни кўрсатувчи материаллар босмоқдамиз. Бу материаллар социалистик хўжалик системасининг капиталистик системадан жуда ўстунлигини, капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада социализм катта ғалаба қозонаётганини ва тарихан қисқа вақт ичида муқаррар ғалаба қозонишини кўрсатади.

Бу материаллар пропагандист ва агитаторларимиз учун аҳоли ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказишда катта ёрдам беради.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

◆ Ленинград ГОЭЛРО планига мувофиқ мамлакатдаги барча электростанцияларининг умумий қувватини 1 миллион 750 минг киловаттга етказилиши ва йилга 8,8 миллиард киловатт соат электр қуввати етказиб бериши кўзда тутилган эди. 1957 йилда мамлакатимиз станциялари 209,7 миллион киловатт соат, яъни 1913 йилдагидан 108 марта, ГОЭЛРО планига белгиланганидан 24 марта кўп электр қуввати ҳосил қилди.

◆ 1957 йилда СССРда саноат маҳсулотини XX съезд арасидаги 1955 йилга нисбатан 22 процент кўп ишлаб чиқарилди, ҳар 11 кунда СССРда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотини эски Россияда бутун 1913 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотга тенг бўлди.

◆ 1958-59 йилларда темир руда қазиб чиқариш деярлик 35 миллион тонна кўпайди. Бу эса Швеция ва Англиянинг иккаласидан 1955 йилда қазиб чиқарилган рудадан 2 марта кўпдир.

◆ Ўтган йили кўмир қазиб чиқариш 1955 йилдагидан 18 процент, нефть чиқариш 39 процент кўпайди.

◆ Газ саноати айниқса тез ривожланимоқда, 1956 ва 1957 йилларда газ чиқариш деярлик 2 баравар кўпайди, бу йил яна бир янги баравар кўпайди.

◆ 1957 йилда саноатимиз 1913 йилдагидан 88 марта кўп металл ишловчи станок ишлаб чиқарди.

Ғалабанинг энг муҳим шартини

В. И. Ленин «меҳнат унумдорлиги, оқибат натижада, янги иқтимоий тузум ғалабасининг энг муҳим, энг асосий шартидир...» деб кўрсатган эди.

Мамлакатимиз саноатидаги ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги, иш соати қисқартирилган бўлса-да, 1957 йилда 1913 йилдагига нисбатан тахминан, 9,5 баравар ошди, АҚШда эса—тахминан 2,3 баравар, Англияда — 1,4 баравар, Францияда — 2 баравардан саноат кўпайди, ҳозирги вақтда СССР меҳнат унумдорлиги даражаси жиҳатидан Англия ва Франциядан ўзиб нетди ҳамда АҚШ билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги фарқни анча камайтирди.

Халқ фаровонлиги учун

◆ 1957 йилнинг 1 январидан бошлаб кам иш ҳақи олувчи ишчи ва хизматчиларнинг маоши оширилди, 370 сўмгача иш ҳақи ва стипендия олувчи ишчилардан, хизматчилардан ва ўқувчилардан солиқ олиш бекор қилинди. Бу ишчи ва хизматчиларнинг йиллик даромадини 8 миллиард сўм кўпайтирди.

◆ Мамлакатимиз ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи 1957 йилда 1950 йилдагига нисбатан 1,5 баравардан зиёд кўпайди.

◆ 1955 йилда аҳоли давлатдан 30,1 миллиард сўм, 1957 йилда 58,8 миллиард сўм миқдорда пенсия

олди, 1958 йилда эса шу мақсадларга 66 миллиард сўм сарфлаш планлаштирилган.

◆ КПСС XX съездининг қарорига мувофиқ, 1956 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб корхоналарда, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи камайтирилмаган ҳолда, қисқартирилган иш кунига ўтла бошланди.

◆ Давлатга тошириладиган ҳамда сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи ошганлиги туфайлигина қолхозлар ва қолхозчилар 1957 йилда 1952 йилдагига нисбатан қарийб 50 миллиард сўм кўп пул олдилар.

◆ 1958 йилдан бошлаб қолхозчи, ишчи ва хизматчи хўжаликчилари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга мажбурий тартибда етказиб беришдан тўла озод қилинди. Шу туфайли аҳоли 3 миллиард сўмдан ортиқ фойда кўрди.

◆ Партия ва ҳукумат яқин 10-12 йил ичида уй-жой проблемасини ҳал қилиш вазифасини илгари сурдилар. 1958 йилда умумий майлони 61 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қуриш ва фойдаланишга топ-

шириш белгиланган. Бундан ташқари, қолхозчилар ҳамда қишлоқ интеллигенциясининг кучи билан 800 минг уй-жой биноси қуриш мўлажалланган. 1957 йилдаёқ СССРдаги ҳар минг кишига 10,6 квартира қурилди. Шу муқддат ичида АҚШда ҳар минг кишига 6,7 квартира, Англияда — 5,9, Францияда — 6,2 квартира қурилди.

◆ Чакана давлат товаробороти ва кооператив савдоси, умумий оқ-қатланнинг қўшиб ҳисоблаганда (таққосланган нархларда), 1957 йилда 1940 йилдагига нисбатан қарийб 2,6 баравар кўпайди. Фақат кейинги йил ичида (1956 — 1957) чакана товар обороти қарийб 24 процент кўпайди.

◆ 1957/58 ўқув йилида СССРда ҳар хил ўқув юрталарида 50 миллион киши бор эди. Бизда ҳар тўрт кишидан бир киши ўқийди.

◆ 1957 йилда СССР халқ хўжалигида 6,8 миллион олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар ишлаб эди. Бу, ҳар Россиядаги мутахассислар сонидан қарийб 36 баравар кўпдир.

Совет фанининг ютуқлари

◆ 1957 йилнинг августидан Совет Иттифоқида дунёда биринчи бўлиб гоёт узок учар, қитъалараро қўпоғонали баллистик ракета учирилди. Бундай ракета ёрдами билан авиациядан фойдаланмасдан туриб, Ер шарининг истаган районига етиш мумкин.

◆ 1957 йил 4 октябрда СССРда оғирлиги 83,6 килограмм бўлган биринчи Ер сунъий йўлдоши учирилди. Йўлдош Ер атрофини 1400 марта айланиб чиқди ва 60 миллион километрга яқин масофани ўчиб ўтди.

◆ Иккинчи совет Ер сунъий йўлдоши 1957 йилнинг 3 ноябрда учирилди. Йўлдошда турли хил илмий аппаратуралардан ташқари ит жойлаштирилган герметик контейнер ҳам бор эди. Йўлдошнинг умумий оғирлиги 508,3 килограмм 59-

либ, у Ер атрофини 2370 марта айланиб чиқиб, 100 миллион километрдан ортиқ масофани босиб ўтди.

◆ Учинчи совет Ер сунъий йўлдоши 1958 йил 15 майда учирилди. Унинг оғирлиги 1327 килограммдир. Йўлдош Ер шарни атрофидан айланишнинг давом эттирмоқда.

◆ 1954 йил 27 июнда биринчи совет атом электростанцияси ишга туширилди. Атом электростанциялари қурилиши планига мувофиқ, 1958 йилнинг сентябрида янги атом электростанциясининг 100 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи навбати ишга тушди.

◆ 1957 йил 5 декабрда турбоэлектрик «Ленин» атом музбери сувга туширилди. У ёқилган олмадан ва порта кирмасдан узлуксиз равишда бир йил ёзиши мумкин.

Аҳоли жон бошига

Бизнинг иқтисодимиз СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришда энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилишда йил сайин янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

СССРда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш кўйидагига кўпайди:

	1913 й.	1940 й.	1957 й.
Электр қуввати (киловатт-соат)	14	252	1028
Кўмир (килограмм)	209	866	2272
Нефть (килограмм)	66	162	482
Чўян (килограмм)	30	78	182
Пўлат (килограмм)	30	96	251
Қора металл прокати (килограмм)	25	68	197
Минерал ўғитлар (килограмм)	0,5	16,9	57,6
Цемент (килограмм)	11	30	142
Ҳар хил газмоллар (метр)	20	23	35
Трикотаж буюмларга ишлатиладиган газмоллар	бу ҳисобга кирмайди.		
Кўн пойфазал (жуфт)	0,4	1,1	1,5
Барча турдаги соатлар (1.000 кишига дона ҳисобидан)	5	15	115
Велосипедлар (1.000 кишига дона ҳисобидан)	0,04	1,3	16,3
Қанд-шакар (килограмм)	9,7	11,3	22,0
Кондитер маҳсулотлари (килограмм)	0,8	4,1	7,7
Ўсимлик мойи (килограмм)	3,4	4,2	8,3
Консервалар (шартли банка)	0,7	5,8	18,6

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 1957 йилда 1913 йилдагига нисбатан ҳамма саноат маҳсулотини 23 баравар кўпайди.

Социалистик экономиканинг афзалликлари таяниб, СССР аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда АҚШдан миқдор-боран-сари яқинлашмоқда.

Областимиз оғир саноати юксалишда

ЭЛЕКТОР ҚУВВАТИ
Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Улғу мамлакатимизни электрлаштириш ҳақидаги вазифаларини изчиллик билан амалга оширатилар. Бунинг областимиз нисоларида ҳам яқин кўриш мумкин.

1913 йилда ҳозирги областимиз территориясида мавжуд бўлган барча электростанцияларнинг қуввати 3 минг киловатт-соатга ҳам етмас эди. Улғу Октябрь социалистик революциясидан кейин областимизда энергетика корхоналари қурилиши қизибди юборилди. 1926 йилда Ўзбекистонда биринчи гидроэлектростанция — Бўзсув ГЭСи ишга туширилди. Халқ хўжалигини ривожлантириш беш йилликлари даврида Чирчиқ-Бўзсув системасида 10 дан ортиқ гидроэлектростанциялар, Тошкентдаги йирик тепловы электростанция қувват бера бошлади.

Бунинг натижасида областимиз:

ЎҚИЛГ
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-1960 йилларга мўлажалланган олтинчи бешйиллик планига юзасидан қабул қилган Директиваларида областимиз ёқилғи саноатини янада тараққий этдиришга катта эътибор берилган эди. Республикаимизнинг асосий ёқилғи базаси бўлган Оҳангарон ҳавзасида кўмир қазиб чиқариш ҳажминини икки баравар кўпайтириш назарда тутилган.

Ҳавзада кўмир қазиб чиқариш йил сайин ортиб бораётди. 1955 йилда Оҳангарон ҳавзасидан ҳам-

да электр қуввати ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бори. 1955 йилда республикамизда ҳосил қилинган электр қувватининг қарийб 80 проценти Тошкент областиданги станцияларда ишлаб чиқарилди.

Олтинчи беш йилликда республикамизда электр энергия ишлаб чиқаришнинг 1955 йилдагига нисбатан 1,6 марта кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун бир неча йирик электростанциялар қуришга киришди. Барча агрегатларининг қуввати 126 минг киловаттга тенг бўлган Қайроққум ГЭСининг ишга туширилиши билан областимиз саноат корхоналари арзон электр қуввати билан мўл-кўл таъминлана бошланди.

Ўрта Осиёда энг йирик бўлган кўмир асосида ишловчи Оҳангарон давлат район электростанциясининг дастлабки иккита агрегати ишга туширилди. Бу билан қўшимча равишда 100 минг киловатт-соат энергия ишлаб чиқарила бошланди.

маси бўлиб 2 миллион 446 минг тонна ёқилғи қазиб олинган бўлса, олтинчи бешйилликнинг биринчи йилидаёқ истеъмолчиларга 1955 йилдагига нисбатан 369 минг тонна кўп кўмир жўнатилди.

Республикамизнинг ёқилғига бўлган эътиборларини тўла қондириш учун етказиб берилаётган кўмир миқдори бундан кейинги йилларда ҳам тез суръатлар билан ошиб бори. Ўтган йили давомида 3 миллион 157 минг тонна ёқилғи қазиб чиқарилди. Бу йил эса, унинг ҳажми 3 миллион 500 минг тоннага етказилди.

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда қазиланган кўмининг 40 проценти областимизда чиқариламоқда.

мачилик саноати эҳтиёжлари учун турли агрегатлар ишлаб чиқариш тибора кўпайтирмоқда.


Шу билан бирга областимизда экскаваторлар, кўтарма кранлар, химия ва электр саноати ускуналари, компрессорлар, кабеллар ишлаб чиқариламоқда.

Область машинасозлик корхоналарида тайёрланган машина ва ускуналар қардош республикаларгагина эмас, шу билан бирга чет элга ҳам мамлакатларга ҳам етказиб бериламоқда. Тўқимачилик, қишлоқ хўжалик машиналари, химия саноати аппаратлари, компрессор, экскаваторлар кўпгина халқ демократияси мамлакатлари, шунингдек Хиндистон, Бирлашган Араб Республикаси, Индонезия, Ироқ, Эрон, ҳатто Мексикага ҳам экспорт қилинаётди.


СССР ва АҚШда энг муҳим саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

	1913 й.	1957 й.	Тахминан 15 йилдан кейин	1913 й.	1957 й.
Темир руда (млн. тонна)	9,2	84,2	250-300	63,0	107,7
Чўян (млн. тонна)	4,2	37,0	75-85	31,5	72,0
Пўлат (млн. тонна)	4,2	51,2	100-120	31,8	102,0
Кўмир (млн. тонна)	29,1	463,0	650-750	517,0	467,0
Нефть (газдан ташқари, млн. тонна)	9,2	98,3	350-400	34,1	354,0
Газ (млрд. кубометр)	0,02	20,2	270-320	20,0	303,0
Электр қуввати (млрд. киловатт-соат)	1,9	209,7	800-900	24,8	716,0
Цемент (млн. тонна)	1,5	28,9	90-110	15,9	49,8
Жун газмоллар (млн. метр)	103,0	282,0	550-650	340,0	267,0
Кўн пойфазал (млн. жуфт)	60,0	315	600-700	293,0	594,0
Қанд-шакар (млн. тонна)	1,3	4,5	9-10	0,9	2,3

«Планлаштирувчи ходимларимизнинг ҳисоблари шуни кўрсатадики, яқин 15 йил ичида Совет мамлакати энг муҳим маҳсулот турларини етиштиришнинг ҳозирги ҳажми жиҳатидан АҚШга етиб олишига эмас, балки ундан ўзиб ҳам мета олади. Албатта, шу вақт ичида АҚШ экономикаси ҳам олға силжиши мумкин. Лекин саноатимизнинг ўсиш суръатлари АҚШдаги саноатнинг ўсиш суръатларига қараганда анча илдам эканлигини ҳисобга олсан тинч мусобақада АҚШдан тарихан қисқа муддат ичида ўзиб кетиш вазифасини тавоман реал ва бажариб бўладиган вазифа деб ҳисоблашимиз мумкин» (Н. С. Хрущёв, «Улғу Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги», 1957 йил 6 ноябрда СССР Олий Советининг сессиясида қилинган доклад).



Бундан бир неча йил муқаддам Оҳангаронда ёқилғи асосида ишлайдиган Ўрта Осиёда энг йирик электростанция қурилиши бошланган эди. Ўтган йили бу электростанциянинг дастлабки икки агрегати ишга туширилди ва улар областимиз эҳтиёжлари учун қувват бера бошладилар. Суратда: Оҳангарон давлат район электростанциясининг умумий кўриниши.



Свердловск. Урал машинасозлик заводи томонидан чиқарилаётган «ЭКГ-4» экскаваторлари кон устини очиб ишларида муваффақият билан қўлланилаётди. Бу типдаги машиналар бизнинг мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга бир қанча чет эл мамлакатларида ҳам машҳурдир. Бу йил «ЭКГ-4» экскаваторлари ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп ишлаб чиқарилади. Суратда: «ЭКГ-4» экскаваторларини йиғиш участкаси. Олинган участканинг энг илғор сваркачиларидан бири Н. Н. Долгов.

Б. Назаров фотоси (ТАСС фотохроникаси).

МАШИНА-СОЗЛИК
Бешйилликлар даврида Тошкент областидан йирик, кўп тармоқли машинасозлик саноати вужудга келтирилди. Бунинг натижасида областимиз мамлакатимизнинг йирик машинасозлик марказларидан бирига айланди.

Айниқса, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари кенг ривожланди. «Ташсельмаш», «Чирчиксельмаш», «Ўзбексельмаш» сингари гигант корхоналар вужудга келтирилди. Бу заводлар пахтакорларимизга жуда кўп механизмлар тайёрлаб бераётди. Олтинчи бешйилликнинг иккинчи йилида трактор ишлаб чиқаришга киришилди.

Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган «Ташсельмаш» заводи тўлиқ-

МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Саноатимизнинг истиқболи

К. БЕКАЕВ,

Ўзбекистон КП Тошкент области
комитетининг секретари.

Партияимиз XX съезди мамлакатимиз меҳнаткашлари олдига коммунистик қурилишни янада жаддалаштириш мақсадида улғув вазифаларни қўйган эди. Совет кишилари жонажон партиянинг кўрсатмаларига амал қилиб, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда ҳамда қурилишда мисли кўрилмаган муваффақиётларни қўлга киритдилар. Буни республикамизнинг саноат маркази — Тошкент области мисолида аққол кўрсатамиз.

Ўтган икки йилдан сал кўпроқ вақт ичида саноат корхоналарида, транспорт ва қурилишларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчиларимиз гоёт катта галабаларни қўлга киритди. Келинг, рақамларга назар ташлайлик.

1956-57 йилларда областимиз саноат корхоналарининг ходимлари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат томонидан белгиланган планни муваффақият билан бажардилар ҳамда 850 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар. Улар олтинчи беш йилда ишнинг ўзини ўзи қоплатиш билан зафарларга эришди. Саноатчилар 1958 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1955 йилдагига қараганда 1 миллион сўмлик ошириш учун фидокорлик билан меҳнат қилаётгандир.

Шу йилнинг ўтган 8 ойи ичида областимиз саноат корхоналарида янги маҳсулот ишлаб чиқариш планининг 103,5 процент, шу жумладан Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши бўйича 102,5 процент бажарилиши ҳаммаимизни қувонтиради. Ишлаб чиқаришга прогрессив технологиянинг кенг қўрилиши, саноат корхоналарининг ҳозирги замон илғор техникаси билан қуrollаниши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин кўпайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш имконини беради. Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг тайيار ва шижоат билан меҳнат қилишлари тўғрисида 1 сентябрда қарор қилинган бўйича Тошкент таърих 214 миллион сўмлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда.

Маҳаллий саноат корхоналарининг коллективлари ҳам кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда астойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Областимизда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ўтган йилнинг шу давридагига қараганда, 7,5

процент ошди. Оғир саноат корхоналари айниқса яхши ишлади ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 12,3 процент кўпайтиришга эришди. Тошкент ва Чирчиқ машинасозлари ўтган йилларда илгаригидан ҳам катта куч ва тайيار сарфлаб меҳнат қилдилар. Саноатимизнинг бу муҳим тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан қарийб 30 процент кўпайди.

Тошкент иқтисодий-маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашининг тузилиши областимизда ҳали анча кам тараққий этган саноат соҳаларининг гоёт тез суръатлар билан юксалишини таъмин этди. Бизда рағли металлургияни жалал суръатлар билан ривожлантириш, мис, қўроғиш рудани ва бошқа маҳсулот учун зарур хомашё материалларини ишлаб чиқариш кенгайтирилди.

Областимизда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш йил сайин муттасил кўпайиб бормоқда. Жумладан, 1955 йилда ишлаб чиқарилган янги маҳсулотнинг 100 процент деб олсак, 1956 йилда 108,2 процентга, 1957 йилда 119,5 процентга етди. Шу йилнинг 8 ойидаги янги саноат маҳсулотини 1955 йилдаги янги маҳсулотга нисбатан 127 процентни ташкил этди.

Шуни айтиш қийоқки, 1958 йилнинг ўтган ойлари мобайнида мис рудаси қазиб чиқариш 42,1 процент кўпайди. Қўмир қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил этиш, минерал ўғитлар тайيارлаш, цемент, бўлат ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш аввалги йилларга нисбатан кескин ўсди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати аҳоли кенг истеъмол қилган молларни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга жиддий эътибор бериб келаятир. Маҳалла, бизда 8 ой ичида устки трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш кескин бартарафга келди, суний ва пластик кўн тайيارлаш 27 процент кўпайди. Шу билан бирга, ёғ, туш, сут ва бошқа озиқ-оват маҳсулот

лари ишлаб чиқаришда ҳам катта муваффақиётларга эришилди.

Илгарилари Тошкент саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий маркази ҳисобланар эди. Эндиликда унинг атрофида машинасозлик ва енгил ҳамда озиқ-оват саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенг ривошда олиб бораётган Бекобод, Олмалик, Охангарон, Чирчиқ, Янгийўл каби саноат марказлари вужудга келтирилди. Партия XX съездида саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг бевосита хомашё базасига яқинлаштириш ҳамда уларни географик жиҳатдан тўғри жойлаштиришга алоҳида аҳамият берилган эди. Бу соҳада ҳам анча ҳуруст натижаларга эришилди.

1959-1965 йиллар учун ишлаб чиқилган перспектив план проектида Тошкент области саноатиде маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уларни қўрилмаган даражада кенгайтириш мўлжалланмоқда. Шуни айтиш қийоқки, биз янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1965 йилга бериб 17 миллион сўмдан оширамиз, бу 1958 йилга тайيارланган умумий маҳсулот миқдоридан қарийб икки баравар кўпир. Контроль рақамларга келажак 7 йил мобайнида саноатини ривожлантириш учун 6 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштириш қўзда тутилмоқда.

Саноатнинг ҳамма соҳалари, шунингдек капитал қурилиш тез суръатлар билан ривожлантирилди. Шу билан бирга, саноат корхоналарининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш таъбирлари амалга оширилди. Бунинг учун Олмалик ТЭЦининг иккинчи навбатини қуриб бекитилди, Охангарон ГРЭСининг қувватини 600 минг киловатт-соатга етказиш ҳамда Чирчиқ гидроэлектростанцияси қурилишини бошлаб юбориш белгиланди.

Саноат корхоналари қурилиши билан бир вақтда уй-жой бинолари қурилишини кескин ривожлантириш таъбирлари ҳам белгилан кичилди. 1958 йилда областимизда 300 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бу, ўтган йилда эксплуатацияга берилган уй-жой биносидан 86 минг квадрат метр кўпир.

Барча совет кишилари билан бирга областимиз меҳнаткашлари ҳам жонажон партияимиз XX съездининг меҳнатда янгилаш-иш муваффақиётлар билан кутиб олишга астойдил бел боғлангандир.

ХАЛҚ МАОРИФИ

Тошкент шаҳрини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, умумий таълим мактаблари 1956 йилда 924 та бўлса, 1958 йилда унинг сони 1170 га етди. Бу мактабларда ўқувчилар контингенти 470 мингга боради.

Шу жумладан колхозлар ўз кучлари билан 63 мактаб қуриб олдидилар.

Шуниси қувончлики, политехник таълимни кенг қўланиш тўғрисида қарор тез суръатлар билан амалга оширалайди. Областдаги 482 умумий таълим мактабиде ўқув

устахоналари, 39 автотрактор синфлари ташкил қилинди. 75 мактаб теплицаси қурилди.

Оталик ташкилотлар мактабларга 79 автомашина, 177 трактор ва 200 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналари берди. Ўстахоналарни жиҳозлаш учун 9 миллион сўм сарфланди. Буларнинг ҳаммаси ёшларни меҳнатга, хунарга ўргатишда катта омили бўлмоқда.

Ўтган 3 йил давомида 498 ёш ўқитувчи, қишлоқ мактабларига юборилди.

Қишлоқ хўжалигимиз ривожланмоқда


М. ТОЖИЕВ,
Область қишлоқ хўжалик
бошқармасининг бошлиғи.

ли хил ер қазим машиналари, юзлаб скрепер ва бульдозерлар бор. Миразчул ТЭС қурилишида ҳам иш айлани қизиган даяр.

**ВАТАНГА КУПЛАБ ДОН
МАХСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ
БЕРИЛАЙТИР**

Областимиз галлакорлари мамлакатга йилдан-йилга кўпроқ дон маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдалар. 1957 йилда облас-

тимиз совхозлари бўйича 23 минг 402 гектар ердан мамлакатга 9700 тонна дон маҳсулотлари топширилди. Совхозларнинг галлакорлари экин майдонларини кўриқ ва бўз ерлар ҳисобига кенгайтириш таъбирларини амалга ошириб, бу йил катта муваффақиётларга эришилди. Дон экинлари экинлигидан ерлар 52480 гектарга етказилди. Ўрмон-ийим қисқа вақт ичида намунали ўтказилди. Совхоз ишчилари ва механизаторлари бу йил мамлакатга 27 минг 170 тонна дон маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 17 минг 470 тонна ортиқ демалди.



Охангарондаги 9- шахтанинг меҳнатсевар коллективи КПСС-нинг навбатдан ташқари XX съезди қақрилиши ҳақидаги хушхабардан руҳланиб, қўмир қазиб чиқариш суръатини тобора оширмоқда. Суратда: шахтанинг илғор наволоотбойчиларидан (чапдан ўн-га) И. Тожибоев, А. Рўзиматов Ж. Ашуралиев ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

Маданий муассасалар кўпаймоқда

Самарали меҳнатдан сўнг сермашун хордиқ чиқариш совет кишиларига хос хусусиятлардан биридир. Бунинг учун мамлакатимизда ҳамма имкониятлар мавжуд. Ҳар бир шаҳар, район ва қишлоқда, колхоз-совхозда маданий қўғилчи очини муассасалари кўпайиб ташкил қилинмоқда.

Шаҳар ва район маданият уйлари, колхоз ва касаба союз клублари, кутубхона ва ўқув залларида меҳнаткашларнинг завқини дам олиши, узларнинг маданий савиясини кўтартиш соҳасида иш олиб борилаётгир. КПСС XX съезд қарорлари асосида областимиз маданият бошқармаси облас-тининг ҳамма район ва қишлоқла-

рида маданият уйлари, клуб ва кутубхоналар сонини кўпайтирмоқда. 1956 йили область маданият бошқармасига қарашли 179 оммавий кутубхона бўлса, ҳозир унинг сони 211 га етказилди. Шу жумладан 135 колхоз кутубхоналаридир. Клублар сони 3 йил мобайнида 30 га яқин кўпайди, 200 дан ошми кино установа колхозчиларга кинофильмлар кўрсатишмоқда.

Тошкент шаҳрида эса 26 оммавий ва 61 касаба союз кутубхоналари, 5 та маданият уйлари ишлаб турпти. Маданият уйининг ҳар бирида озиб меҳнаткаш маданий дам олади, ўз талантини намойиш қилад, бичиш-тичиш сингари бир неча хил хунарга ўрнади.

Уй-жой қурилишининг ўсиши

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қурилиш ишларининг хажми тобора кенгайи-моқда. Биргина Тошкентнинг ўзида кейинги йиллар мобайнида Қорасарой, Чилонзор, Виставка каби бутун-бутун янги массивлар бўлибга келди. Областимизнинг Чирчиқ, Бекобод, Охангарон, Янгийўл, Олмалик каби шаҳарларида ҳам янги-янги кўчалар, йўл-ишги кварталлар барпо қилин-ди.

1955 йилда фақат давлат йўли билан 96,4 минг квадрат метр уй-жой биноси қурилган бўлса, 1956 йилда 157,5 минг, 1957 йилда 214,3 минг квадрат метр уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. Бу йил эса давлат йўли билан 300 минг квадрат метр уй-жой биноси қуриш планлаштирилган. Бундан ташқари областимизда давлат томонидан берилаётган кредит ёрдами билан меҳнаткашлар ўзалари учун 200 минг квадрат

метр уй-жой майдони қуриб олдидилар, қишлоқда эса 5 минг уй қурилди.

Ана шулар асосида биз, яқин 10-12 йил ичида уй-жой проблемаси унм-кесил ҳал бўлади деб қатъий айта оламиз.



Олимларимиз хиссаси

И. МҒМИНОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси-
нинг вице-президенти

Коммунистик партия XX съездининг тарихий қарорларидан руҳланиб Ўзбекистон олимлари республикамизнинг экономикаси, маданияти ва фанининг тез юксалишига ўз ҳиссаларини қўшишга бор куч ва қобилиятларини сафарбар қилишди. Ўзбекистон олимларининг фанининг турли соҳаларида назарий, ҳам амалий жиҳатдан олган бориш ишларини йилдан мисолларга аққол кўриш ўқим.

1956 йилда академия ҳузурида агро-физикс институтини очилди. 1957 йилда ўлка медицина илмий-текшириш институтини, 1958 йилда эса философия ва ҳуқуқ институтини ишга тушди. Шу кунларда полемелар — химия институтини ташкил топмоқда.

Ўзбекистонда машина саноатининг ўсиши, табиий бойликлари очиб, улардан халқ хўжалигини ривожлантиришга фойдаланиш ҳамда металлургия, нефть саноатининг тараққий этиши муносабати билан шу соҳада илмий-текшириш ишлари олиб бориш пиятида фанлар академияси ҳузурида кўн бўлими ташкил топди. Бу келажакда илмий-текшириш институтига айланади.

Ўзбекистон олимларининг хусусан геологларнинг Ўзбекистоннинг гарбидаги бой табиий газ мавжудлигини каниф этганини Бухоро, Хоразм областларида газ саноатини ривож топишга, арзон ёқилғидан фойдаланиш ишларини авж олиб кетганлигида аққол кўринади.

Ҳозир академия системасида электрон — ҳисоблаш марказий машинаси қуриляб, ўз ишларини планли равишда олиб боришга тайيارланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари пахта теришни механиз-

циялаш юзасидан иш олиб бормоқдалар. Жумладан пахта терим машиналарининг янги турлари яра-иш олиб бормоқдалар. Жумладан пахта терим машиналарининг янги турлари яра-

тилмоқда. Олимлар аэродинамик ҳам-тиқ шпинделли машиналарини ихтиро қилиш устида иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон олимлари республикада энергетика ресурсларини топиш, улардан максимал фойдаланиш йўллариини ўрганиш, ишлаб чиқаришда телемеханика ва автоматизацияни амалга оширмоқдалар.

Партиянинг тарихий XX съезидан кейин фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўлими бўйича ҳам муҳим таъбирлар амалга оширилди. Жумладан Ўзбекистон ССР тарихининг 1-2 китоблари рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. Ҳозирги замон ўзбек тили китобининг 1- қисми ҳам нашрдан чиқди. Ўзбекистонда прогрессив-ижтимоий ҳам фалсафий фикрлар тарихига оид китоблар ҳам нашр этилди.

Ўзбекистон олимлари партия Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорига мувофиқ партиянинг навбатдан ташқари XX съездини қақрилиши зўр қизиқиш билан кутиб олиб, маъқуллашди. Чунки Ўзбекистон олимлари ишонадлик, партиянинг XX съезди Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожланиш, халқимиз ҳаётини фаровон бўлиши йўллариини аниқ ва равшан белгилан беради.

Буни амалга оширишда олимлар ишчи ва деҳқонлар билан бирга ўз кучларини аймай хизмат қилажаклар.

ПАХТА-МИЛЛИЙ ИФТИҲОРИМИЗ

Областимиз пахтакорлари, чорвалар ва галлакорлари барча совет кишилари сафига туриб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан жонажон партияимизнинг XX съезди тарихий қарорларини ишчилик билан амалга ошириш учун курашмоқдалар.

Пахтачиллик областимиз қишлоқ хўжалигига етакчи роль ўйнайди. 1955 йилда бор-йўли 150 минг гектар пахта майдони бор эди. 1957 йилга келиб, пахта майдони 190,2 минг гектарга етказилди. Пахтачининг янги ҳосили бир неча ўн минг тоннага кўпайди.

Областимиз пахтакорлари бу йилги дуч келган об-ҳаво қийинчиликларини мардоналик билан еттиб, ўтган йилдагига нисбатан 13 минг гектар ортиқ ерда пахта ҳосили етиштирилди. Улар жонажон партияимизнинг XX съезди шарафига она Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун астойдил бел боғлаб ишламоқдалар.

МИРЗАЧУЛ ГУЛИСТОНГА АЙЛАНМОҚДА

1956 йилнинг 6 август кунини Миразчул меҳнаткашларининг ён-дан сира кўтарилиши. Бу хунада КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР ва Қозғоғистон ССРнинг Миразчул қисмидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги тарихий қарори аълол қилинган эди. Шундан буён икки йил вақт ўтди, лекин мана шу қисқа муддат ичида Ўзбекистон қўриғида мисли кўрилмаган катта ишлар амалга оширилди.

Жанубий Миразчул канали кенгайтирилиб ҳамда янги ирригация тармоқлари вужудга келтирилиб, сугориланган ерларнинг гектази дегайди. Киров канали реконструкция қилинди. Ҳозирги вақтда унда ҳар секунда 300 кубометр сув оқаётгир. Миразчулнинг марказида йирин «Дружба» пахтачиллик совхозини вужудга келтирилди. Минглаб меҳанизаторлар бу ерда янги ер очиб, пахтакорларга топширмоқдалар.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

* СССР халқ хўжалигида 1957 йилда 53,1 миллион ишчи ва хизматчи ишлади, холбуни 1913 йилда 12,9 миллион, 1940 йилда 31,2 миллион ва 1955 йилда 48,4 миллион ишчи ва хизматчи ишлар эди.

* 1953 йили давлат томонидан 1,899 миллион пуд галла тайيارланган эди. 1956 йилда эса колхоз ва совхозлар Ватанга 3,304 миллион пуд галла етказиб берди.

* Маиллатимиз пахтакорлари 1953 йилда давлатга 3,9 миллион тонна пахта етказиб берган бўлсалар, 1957 йили давлатга 4,2 миллион тонна пахта топширилди.

* Уч йил мобайнида — 1954-1956 йилларда мамлакатимизда 36 миллион гектар янги ер очилди.

* Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг далаларида ҳар бири 15 от кучига эга бўлган 1,700 минг трактор, 480 мингдан ортиқ галла комбайнлари, 660 минг юк автомашиналари ва миллионларча боша-ни қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турибди.

* Социалистик саноатимиз ўтган йили қишлоқ хўжалиги учун ҳар бири 15 от кучига эга бўлган 257 минг трактор, 126 минг юк автомашиналари, 131 минг галла комбайнлари етказиб берди.

* Мамлакатимизда йирини шохли молларнинг сони 1958 йилнинг бошларида 1954 йилнинг 1- январидеги қараганда 11 миллион бошга кўпайди. Шу жумладан сиғирлар 6,2 миллион бошга кўпайди.

